2007 ЙИЛ, 7 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 215 (11.024) Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**



**УЧ КУН ДАВОМИДА ШАҲРИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»НИНГ МАРКАЗИЙ ПАВИЛЬОНИДА ИЛК БОР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИНГ КИМЁ СОҲАСИДА ПЛАСТМАССА, РЕЗИНА МАҲСУЛОТЛАРИ НАМОЙИШИГА БАҒИШЛАНГАН «КИМЁ, ПЛАСТМАССА, РЕЗИНА—CHEMPLASTASIA—2007» МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ ВА «КОН УСКУНАЛАРИ, МАЪДАН ВА МИНЕРАЛЛАРНИ ҚАЗИБ ОЛИШ ҲАМДА БОЙИТИШ—MINING WORLD UZBEKISTAN—2007» КЎРГАЗМАСИ ИШ ЮРИТАДИ. ITE ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАР КОМПАНИЯСИ МАЗКУР КЎРГАЗМАЛАР ТАШКИЛОТЧИСИ БЎЛСА, УНИНГ ШЕРИГИ I.T.E. EXHIBITION & CONFERENCES LTD (БУЮК БРИТАНИЯ) КОМПАНИЯСИДИР.**

*Кўргазмалар*

## ҲАМКОРЛИК УЧУН ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛАДИ

—Мазкур кўргазмаларнинг бир вақтнинг ўзида ўтказилишидан кўзланган мақсад,— дейди ITE Ўзбекистон Халқаро кўргазмалар компанияси директори Искандар Ёқубов,— иштирокчилар: хорижий ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг сафини кенгайтириш, корхоналар мутахассисларини турдош соҳаларда кейинги йилларда эришилган сўнгги ютуқлар билан бевосита, яқиндан таништириш, интеграцияланган саноат ечимларини излаб топишларига қулай шарт-шароит, яхши имкониятлар яратишдир.

Кимё саноати юртимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Хусусан, кўргазмада «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли 30 га яқин компания, фирмалар ўзларининг ишлаб чиқарган маҳсулотлари ҳамда хизматлар турлари билан иштирок этишмоқда.



Эътиборли томони, 40 тадан ортиқ экспозиция жой олган кимё саноатига бағишланган кўргазма павильонларидан кимё, нефть саноати учун хом ашё ва ускуналар, технологиялар, назорат-ўлчов асбоблари намойишга қўйилган. Жумладан, пластмасса ва резина бўлимларида каучукни қайта ишлашга мўлжалланган техника ва ускуналар, экструзион қурилмалар, компрессор, турли хом ашёлар иштирокчиларда қизиқиш уйғотмоқда.

«Кон ускуналари, маъдан ва минералларни қазиб олиш ҳамда бойитиш—Mining World Uzbekistan—2007» иккинчи халқаро кўргазмаси ўтаётган павильонда эса жаҳоннинг 9 та давлатидан қарийб 30 та компания қатнашиб ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда юртимизда 3000 тага яқин фойдали қазилма конлари аниқланган. 2007-2010 йилларда ушбу соҳада амалга ошириш кўзда тутилган дастурга кўра, тармоқ корхоналарини модернизациялаш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, турли геофизик ва лаборатория ускуналарини харид қилиш, замонавий бурғулаш асбоблари, кон қазиш технологияларини сотиб олиш мақсадларига давлатимиз томонидан 45 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфлаш режалаштирилган.

«Ўзметкомбинат»нинг ўзидагина ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳозлаш асосида тасдиқланган 9 та лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида пўлат ишлаб чиқариш ҳажми 2011 йилда, ўтган—2006 йилга нисбатан 12,7 фоизга, навли прокат ишлаб чиқариш эса 12,3 фоизга ошиши ҳисобига экспорт ҳажми 1,5 баробар кўпайиши кўзда тутилмоқда.

Мазкур кўргазмалар 10 ноябргача давом этади.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: кўргазмалардан лавҳалар**

**Наталья Семёнова олган суратлар**

## ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ

**ТОШКЕНТДА 6 НОЯБРЬ КУНИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ (ЎзЛиДеП) ҚУРУЛТОЙИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашларидан сайланган делегатлар, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, мазкур партиядан сайланган маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ЎзЛиДеП фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг дастурий маърузаси тингланди. Маърузада мамлакатимизни ривожлантириш, демократик жараёнлар ва ижтимоий-иқтисодийислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Сўзга чиққан делегатлар мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда туб ўзгаришлар юз берганлигини алоҳида таъкидладилар. Миллий давлатчилик, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти асослари яратилди. Жамиятимиз ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича ислоҳотлар амалга оширилди.

Жорий йилнинг 23 декабрида бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа экани алоҳида қайд этилди. Шу муносабат билан ЎзЛиДеП ўзи учун жиддий сиёсий мактаб вазифасини ўтайдиган ушбу сайловда қатнашишни ўзининг ўта муҳим вазифаси, деб билади.

Ушбу партия ўз сафларида қарийб 150 минг кишини бирлаштирган, унинг Олий Мажлис қуйи палатасидаги фракциясида мазкур сиёсий партиядан сайланган 41 нафар депутат фаолият кўрсатади. Бу ЎзЛиДеП иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатни демократик янгилашда етакчи куч бўлган тадбиркорлар, ишбилармонлар ҳамда фермерларни бирлаштирувчи, уларнинг манфаатларини ифода этувчи жиддий сиёсий кучга айланганидан далолатдир.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ислом Каримов номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қурултойда, шунингдек, мазкур сиёсий партия фаолиятига доир бошқа масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**ЎзА**

## Қисқа сатрларда

● **ЎРОЛ** Тансиқбоев уй-музейида Фарғона водийси рассомлари томонидан яратилган расмлар кўргазмаси ташкил этилди.

● **ИТАЛИЯДА** ўтказилган иккинчи халқаро ёш пианиночилар кўрик-танловида иккинчи ўринни эгаллаган Глиэр номли мусиқа билим юртининг 4-синф ўқувчиси Тоҳиржон Асқаровни тақдирлаш мақсадида уюштирилган тадбирда мусиқа билим юрти ўқувчилари, ўқитувчилари ва ота-оналар иштирок этишди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги "Тенгдош" маданият уйида "Камолот" ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ҳамкорлигида ўсмир ёшлар иштирокида уюштирилган маънавий-маърифий давра суҳбати "Сиз ҳуқуқ ва мажбуриятларингизни биласизми?" деб номланди.

● **КЕЧА** Тошкент тиббиёт академиясида талабалар, ўқитувчилар иштирокида "Қовоқ сайли" тадбири бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Тошкент маданият касб-ҳунар коллежида ўқувчилар, Собир Раҳимов туман ИИБ ходимлари иштирокида уюштирилган тадбир "Гиёвандлик, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш" деб номланди.

● **КЕЧА** ИИВ академиясида сержантлар таркибини тайёрлаш олий курси битирувчилари, ўқитувчилар иштирокида хайрлашув тадбири ўтказилди.

● **КЕЧА** шаҳримизда Марказий Осиёда уй-жойни шакллантириш масаласига бағишланган халқаро анжуман ташкил этилди. Ушбу тадбир **ЭРТАГА** якунланади.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

## Аббос АТОЕВ: «МЕНГА ХАЛҚИМИЗНИНГ ИШОНЧИ КУЧ БАҒИШЛАДИ»

**АҚШНИНГ ЧИКАГО ШАҲРИДА БОКС БЎЙИЧА ЎТГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ҒОЛИБ ЧИҚҚАН 21 ЁШЛИ ЎЗБЕК ЙИГИТИ АББОС АТОЕВ БИЗНИНГ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСЛИГИМИЗ ВА КАМ БЎЛМАСЛИГИМИЗНИ ЯНА БИР КАРРА ИСБОТЛАДИ.**



Жорий йилнинг 23 октябрь – 3 ноябрь кунлари Чикагода ўтган жаҳон чемпионати энг кўп чарм қўлқоп устаси иштирок этган спорт мусобақаларидан бири бўлди. Мусобақаларда дунёнинг юздан ортиқ мамлакатидан келган олти юз нафардан зиёд боксчи жаҳон чемпионати медаллари ва келаси йили Пекин шаҳрида бўладиган ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритиш учун куч синашди.

Бокс бўйича расмий жаҳон чемпионатлари 1974 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинади. Кубанинг Гавана шаҳрида қирқ беш мамлакатнинг 242 нафар спортчиси иштирок этган илк жаҳон чемпионатида Ўзбекистон вакили Руфат Рисқиев юртимиздан чиққан бокс бўйича биринчи жаҳон чемпиони бўлган эди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида спортга катта эътибор берилаётгани туфайли Руфат Рисқиев издошларининг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Турли спорт мусобақаларида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган боксчиларимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Артур Григорян, Ўткирбек Ҳайдаровнинг ғалабалари шарафига давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз баралла янгради.

...Мана, яна бир ўзбек йигити жаҳонни лол қолдирди. Чикагодаги жаҳон чемпионатининг финал учрашувида ҳамюртимиз Аббос Атоев Россиянинг кучли боксчиларидан ҳисобланган Артур Бетербиевни оғир жангда 20:17 ҳисобида мағлубиятга учратиб, олтин медаль ва олимпия йўлланмасини қўлга киритди.

- Халқаро майдондаги нуфузли мусобақаларда қатнашаётган ҳар бир спортчимиз ортида ўзини мана шу даражага етказган Ватанимиз, халқимиз тургани, буларнинг барчаси Истиқлолимиз шарофатидан эканини чин дилдан ҳис қилади, - дейди жаҳон чемпиони Аббос Атоев. - Мана шу туйғу биз, спортчиларга ўта мураккаб вазиятлардан дадил чиқиб кетишимизда катта куч-қувват ва ишонч бағишлайди. Чикаго шаҳрида ўтган жаҳон чемпионатининг финалида ҳам шундай бўлди. Баҳснинг ўртасида рақибим вазиятни тенглаштиришга муваффақ бўлди. Ана шундай мураккаб вазиятда йигирма олти миллионлик халқимиз мени ғойибона қўллаб-қувватлаб тургани, биз, ёшларга ва спортчиларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келаётган Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ишончи менга катта куч берди. Ана шу куч-қувват менга ғалаба келтирди, десам янглишмайман.

**Олим МУҲАМЕДОВ, жаҳон чемпионининг мураббийси:**

- Ўз вазн тоифасида жаҳоннинг энг кучли боксчиси сифатида эътироф этилган Аббос Атоевнинг отаси Абдураззоқ ака ўғлини бокс секциясига олиб келганида у ўн ёшли болакай эди. Дастлабки машғулотлардаёқ, унинг жуда тиришқоқ, меҳнатсевар ва дадил бола экани сезилди. Узоқ йиллик машғулотлар натижасида Аббос икки қўлида ҳам бирдай кучли зарба бера оладиган, ҳар қандай рақибга қарши дадил рингга чиқа оладиган, иродали боксчига айланди. Бунда Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга улкан эътибор қаратилаётгани муҳим омил бўлганини таъкидламоқчиман. Спортчиларимизнинг, хусусан, Аббос Атоевнинг халқаро майдонларда кўрсатаётган юқори натижалари ана шу ғамхўрлик самараларидандир.

*( Давоми 4-бетда).*

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**●Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда Ватан олдидаги муқаддас бурчини адо этишга бел боғлаган аскарларнинг қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.**

**●Навоий шаҳридаги «Аква—Тўдакўл» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида тайёрланаётган балиқ маҳсулотлари қисқа фурсатда ўз харидорини топди. Корхона маҳсулотларига айниқса россиялик истеъмолчилар қизиқиш билдирмоқда. Қарийб юз киши иш билан таъминланган қўшма корхонада жорий йилнинг ўтган давридаги экспорт ҳажми 37 минг АҚШ долларини ташкил этди.**

**●«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси ўзининг яна бир йирик пансионатига эга бўлди. Янгидан қурилиб, ўзгача кўркамлик касб этган «Хўжакент» сиҳатгоҳи компаниянинг Бўстонлиқ туманидаги хушманзара гўшада жойлашган учинчи пансионати бўлди.**

**●«Энг яхши бошланғич касаба ташкилоти» кўрик-танловининг Чирчиқ шаҳар босқичида тиббиёт коллежининг бирлашган касаба қўмитаси биринчи ўринни эгаллади. Ғолиб ташкилот қимматбаҳо совға билан тақдирланди.**

**●Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазмаси залида мусаввир Инна Кулагина асарлари кўргазмаси очилди.**

**● Нукус шаҳридаги Сапар Хўжаниёзов номидаги Ёш томошабинлар театрида қорақалпоқ киноусталари томонидан суратга олинган «Бердақ», «Қиссахонлик», «Айқулаш» каби янги ҳужжатли фильмлар тақдимоти ўтказилди.**

**● Сирдарё вилоят адлия бошқармасида Президентимизнинг 2006 йил 24 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор тартибини жорий этиш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан вилоятда фаолият юритаётган Тадбиркорлар ҳамда туманлар тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси масъул ходимлари иштирокида семинар бўлиб ўтди.**

**● Жондор туманининг Кароли қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Ҳасан Даврон» фермер хўжалигида ғишт ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлади. Йилига 1 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхонада ҳозир 15 киши меҳнат қилмоқда.**

### ЖАҲОНДА

**● Социал-демократ Альваро Колом Гватемаланинг янги Президенти этиб сайланди. Овозларни ҳисоблаш жараёни ҳали якунланмаган бўлсада, 96 фоиз сайлов округларидан натижалар олинди. Колом 52,7 фоиз овоз олган ҳолда ўз рақиби — истеъфодаги генерал Отто Переза Молингдан етиб бўлмас даражада ўзиб кетди.**

**● Яманда экспортга чиқариладиган нефтни Қизил денгиздаги терминалга етказиб берадиган қувур портлатиб юборилди. Маълумотларга қараганда, бу қўпорувчиликни Ямандаги қабилалардан бирининг аъзолари амалга оширган. Зеро, қабилалар бирорта масалани ҳукумат ҳал этмаса, шундай усулда ўч оладилар.**

**● Грузия пойтахти Тбилиси шаҳрининг уч жойида мухолифатчилар ҳамон норозилик намойишларини ўтказмоқдалар. Улар келаси йил баҳорида парламент сайловларини ўтказиш ҳамда Президентнинг истеъфосини талаб қилмоқдалар. Намойишчиларнинг 19 нафари номаълум муддатгача очлик эълон қилди.**

**● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бутун жаҳонда олий жазо чораси сифатида ўлим жазосини бекор қилишга йўналтирилган янги ҳаракатни бошлади. БМТ аъзолари бўлган 71 та мамлакат ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги резолюцияни қабул қилишни ёқламоқда.**

**● Россияда ўтказилаётган Хитой йилига бағишлаб Москвада Хитой миллий музейларининг ноёб экспонатларидан шакллантирилган кўргазма очилди. Ундан Буюк Ипак йўли тарихини акс эттирувчи кўплаб экспонатлар ўрин олган.**

**● Расмий Белград Косово муаммосини ҳал этиш юзасидан Гонконг давлати йўналишини таклиф этмоқда.**

**● Ўнг экстремист томонидан 12 йил муқаддам ўлдирилган Исроилнинг собиқ бош вазири Ицхак Рабин хотирасига бағишлаб Тель-Авивда ўтказилган митингда 100 мингдан ортиқ киши қатнашди. Рабин фаластинликлар билан тинчлик музокараларини бошлаган дастлабки Исроил сиёсатчиси эди.**

**●Хитойнинг 25 октябрда космосга учирилган «Чанъэ-1» сунъий йўлдоши Ой сайёраси атрофига муваффақиятли етиб борди. Ушбу йўлдош орбитада бир йил давомида бўлиб Ой юзасининг кимёвий ва минерал таҳлилини ўтказади.**

**● Кеча Буюк Британия пойтахти Лондонда реконструкциядан сўнг жуда чиройли тус олган, «Евростар» тезюрар поездлари қатнайдиган вокзалнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда мамлакат қироличаси Елизавета II ҳам қатнашди.**

**● Италиядаги Сицилия мафиясининг раҳбари Сальваторе Ло-Пикколо қамоққа олинди. Махсус амалиёт чоғида унинг ўғли Сандро ҳам қўлга тушган. Палермо шаҳри полицияси вакилининг таъкидлашича, 65 ёшли Ло-Пикколо одам ўлдиргани учун қамалган ва 1998 йилда қамоқдан қочган эди. Шундан буён уни полиция қидираётганди.**

KAMOLOT

TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI





# ЭРТАМИЗНИНГ МУНОСИБ ИЗДОШЛАРИ

**ЁШЛАР—КЕЛАЖАГИМИЗ, УМИД ЮЛДУЗИМИЗ, ЭРТАМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ СУЯНЧИ, ОНА-ВАТАНИМИЗНИНГ ЖАСУР ПОСБОНИ, МИЛЛАТ ДАВОМЧИЛАРИ, ХАЙРЛИ ВА ЭЗГУ ИШЛАР ДАВОМЧИЛАРИДИР.**

Шунинг учун ҳам бугунги кунда баркамол авлодни вояга етказиш йўлида катта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан юртимизда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва шу йўналишларда бошлаган ишларимизнинг узвий давоми сифатида 2004 йилда қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури ижроси йўлида янги қурилиб фойдаланишга топширилаётган мактаблар, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, ўқув тизимининг мустаҳкам моддий-техника базаси яратилмоқда. Энг юксак талабларга жавоб берадиган стандартлар ишлаб чиқилиб, зарур дарслик ва ўқув қўлланмалари юқори сифат билан чоп этилмоқда.

Шунингдек, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялар, Интернет тизимини кенг жорий этиш, мукаммал таълим бериш орқали ёш авлод онги ва шуурига она-Ватаннинг муқаддас, мустақил юрт тупроғининг ҳар бир қаричи азиз эканлиги етказилмоқда.

Биз бугун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаолияти ва бугунги кун ёшларининг изланиш, интилишларини ёритишга мўлжалланган саҳифамиз орқали Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг «Халқаро журналистика» факультети талабалари ҳаёти, ўқиш-изланишларини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Зеро иқтидорли талаба-ёшларнинг турли кўрик-танлов, мусобақа ва олимпиадаларда ғолибликни қўлга киритиб келаётганлари барча тенгдошларига намуна бўлса арзийди.

*Танловлар —имкониятлар эшиги*

# ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ УЙҒУН БЎЛСА...

**ТАЪЛИМ—ФАННИНГ ВАЗИФАСИ; ТАРБИЯ ЭСА ВИЖДОН ИШИ. КЕЙИНЧАЛИК ИНСОН ВОЯГА ЕТГАЧ, БИЛИМНИНГ БУ ИККИ ТУРИ БИРИ-БИРИНИ ТЎЛДИРАДИ, ДЕГАН ЭДИ МАШҲУР ФРАНЦУЗ ЁЗУВЧИСИ ВИКТОР ГЮГО. ДАРҲАҚИҚАТ, БИЛИМ БЕПОЁН МАЙДОН, УНГА ЭЛТУВЧИ ЯГОНА ЙЎЛ БУ ФАОЛИЯТДИР. БУГУНГИ КУНДА ЁШЛАРНИНГ ЎҚИБ, ИЗЛАНИШЛАРИ УЧУН ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ КЕНГ ОЧИЛМОҚДА.**

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ўтказилган «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар» танловини ҳам ёшлар учун мана шундай имкониятлар эшиги деб айтишимиз мумкин. Чунки ушбу дастур иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, истеъдод ва интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқаришга моддий ва маънавий жиҳатдан шароитлар яратиш, ижод ва илм чўққиларини эгаллашларига кўмаклашиш каби эзгу мақсадга хизмат қилмоқда. Биз «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар» дастурининг бу йилги ғолиблари билан суҳбатда бўлиб уларнинг танлов ҳақидаги фикрларини қоғозга туширдик.

**Муслим МИРЗАЖОНОВ, ЎзДЖТУ «халқаро журналистика» факультетининг 4-босқич талабаси:**

—Биласизми, инсон ҳатти-ҳаракати самараси сифатида бирор бир мукофотни қўлга киритса, унинг шодлиги бошқача бўлар экан. Гап стипендия ва унинг миқдорида эмас, балки энг муҳими давлатнинг, жамғарманинг ёшларга бўлган эътиборида деб ўйлайман. Чунки бу эътибор бизда ўз кучимизга, порлоқ келажагимизга бўлган юксак ишончни тарбиялайди. Шу каби танловлар жамиятнинг барча соҳаларида ўзларининг янада фаоллиги билан изланаётган тенгдошларимга жуда катта имконият яратади, деб ўйлайман.

**Дилафрўз ТЎРАҚУЛОВА, ЎзДЖТУ «халқаро журналистика» факультетининг 4-босқич талабаси:**

—Бу танловда иштирок этиш истаги, менда бир неча йил олдин пайдо бўлган эди. 2006 йилги танловда ғолиб бўлган опа-акаларимнинг ютуғини кўриб, ҳавас қилгандим, мана орадан бир йил ўтиб мен ҳам ушбу грант соҳибаси бўлдим. Бу улкан мувоффақиятга эришишимда албатта устозларимнинг ёрдами катта бўлди. Қолаверса, ҳамма ишимга бош-қош бўлган онажонимнинг ҳам энг катта ютуқлари деб ҳисоблайман.

Танловдан таассуротларим жуда катта. Журналист ҳеч қачон қалам тебратишдан чарчамаслиги керак. Қоғоз ва қалам доимий ҳамроҳига айлансагина журналист ўз соҳасини мукаммал эгаллайди. Бу танловда қатнашганим журналистика соҳасида ўз йўлимни топишда кенг имкониятлар берди.

**Ўктам ХУДОЙҚУЛОВ, ЎзДЖТУ «халқаро журналистика» факультетининг 4-босқич талабаси:**

— Ўйлайманки, бу грант нафақат мен, балки барча стипендиатлар учун улкан масъулият юклайди. Чунки грант дастури замирида халқимизнинг, танловни ташкил этган жамғарма вакилларининг катта ишончи турибди. Бу ишончни оқлаш келажакда, турли жабҳаларда олиб борадиган фаолиятимизда яратилган ушбу имкониятдан унумли фойдаланишимизда намоён бўлади. Шу сабабли бу танлов ўқишимда ва ижодий фаолиятимда кўпроқ ютуқларга эришишимга ёрдам беради. Минглаб номзодлар орасидан бизни танлаб олишган экан, демак биз ҳам шунга лойиқ бўлишимиз керак.

**Соҳиба ЧАНЧАРОВА, ЎзДЖТУ «халқаро журналистика» факультетининг 4-босқич талабаси:**

—Бу танловдан катта таассурот олдим. Биринчи босқичда ҳужжатлар асосида номзодлар танлаб олинди. Иккинчи босқичда эса талабаларнинг интеллектуал салоҳияти, билим доираси суҳбат асосида текширилиб, бунда талабаларнинг олдига қўйган аниқ мақсадлари эътиборга олинди. Бу танловда журналистика соҳаси, ахборот олишнинг янги усуллари ҳамда ўзимнинг илмий изланишларим билан қатнашдим. Бу каби танловлар биз каби талабаларга, умидли ёшларга яхши имкониятлар яратади.

**Шаҳноза ШОЖАЛИЛОВА, ЎзДЖТУ «халқаро журналистика» факультетининг 4-босқич талабаси:**

—Юртимизда иқтидорли, изланувчан ўғил-қизлар жуда кўп. Улардаги қайноқ умид учқунларининг аланга олиши учун мана шундай танловлар айни муддаодир. Талабаларнинг ўз устида мустақил ишлашга, билимга қизиқиш, янгилик яратишга, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишишига мустаҳкам устундир.

Битта факультетдан 5 нафар талабанинг нуфузли грант соҳиблари қаторига лойиқ деб топилишини биз билимнинг икки устунига асосланиб, яъни ёшлар таҳсил олаётган олий даргоҳда таълим ва тарбиянинг уйғунлигида деб баҳоладик.

**Роҳатой ЭРКИНОВА суҳбатлашди.**

*Ёшлар — келажагимиз*

# ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

**«БИЛИМ ВА ҚУДРАТ—ИККОВИ ЭГИЗАК. КИМКИ БУ УСТУНЛАРГА ТАЯНСАГИНА ТЎХТОВСИЗ КАМОЛ ТОПАДИ ВА ЮТУҚЛАРГА ЭРИШАВЕРАДИ» ДЕГАН ЭДИ БУЮК ФАЙЛАСУФ УИЛЬЯМ ЖЕЙМС.**

**ҲА, БУ ФИКР ҚАНЧАЛИК ҲАҚИҚАТГА ЯҚИН. БУНИ АТРОФИМИЗДАГИ ИНТИЛУВЧАН, ЗУККО, ИЛМГА ЧАНҚОҚ ЁШЛАРИМИЗ ҲАРАКАТИДАН ҲАМ СЕЗИШ ҚИЙИН ЭМАС. БУГУН СИЗГА ТАНИШТИРМОҚЧИ БЎЛГАН ТЕНГДОШИМИЗ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИНИНГ 3-БОСҚИЧ ТАЛАБАСИ АЗИЗА ҚУТЛИМУРОДОВАДИР.**



Азизанинг тил ўрганишга қизиқиши баланд. Мана шу хислат уни бошқа тенгдошларидан ажратиб туради. Азиза хитой тилини мукаммал ўрганиб, 2006 йил Хитойнинг нуфузли «Worthzast Normal» университетида таҳсил олиб қайтди. Биз интилувчан талабага бир нечта саволлар билан мурожаат этдик.

**—Азизахон, таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

—Таассуротларим жуда катта. Биз Ўзбекистондан беш киши бўлиб кетдик. Хитойдаги элчихонамиз вакиллари ва мезбонлар бизни жуда яхши кутиб олишди. Хитой халқи ҳам биз каби жуда меҳмондўст экан.

**—Ўқитиш жараёни ҳақида нималар дея оласиз?**

—Таълим бериш услуби тўғриси мени лол қолдирди. Дарсларни малакали профессор-ўқитувчилар техника билан безатилган хоналарда ўтишади. Ушбу нуфузли университетга жаҳоннинг 42 давлатидан талабалар келиб ўқишади. Улар учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё. Фақат ўзингизда хоҳиш ва ҳаракат бўлса бас. Дарслар соат 8 дан $11^{30}$ гача давом этади. Ҳар ойда университетда турли мусобақалар ўтказиб турилади. Бу турли миллат ёшларини янада бир-бирига яқинлаштиради. Талабалар вақтларини мазмунли ўтказишлари учун университет қошида турли спорт тўгараклари ташкил этилган. Бўш вақтимда «Ганцицюань» миллий спорт тўгарагида йога билан шуғулландим. Германиялик Бритта, Дивина, конголик Тефф, арабистонлик Муҳаммед Фарид, россиялик Настя, Саша, Санкт-Петербургдан Лена, Қозоғистондан Айдас Шанхаи ва Пекиндан кўплаб дўстлар орттирдим. У ерларда шароит қанчалар зўр бўлмасин она-Ўзбекистонимиз, жаннатга монанд юртимизни жуда соғиндим. Ўзимизнинг шароитимиз, таълим тизимимиз, буюк ишларга йўл очаётган каттаислоҳотлар тўғрисида ўйлар эканман, меҳнатларимиз замирида жаҳонга чиқиш, энг замонавий ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиш каби хайрли мақсад ётгани ва бу эртага албатта амалга ошишига қатъи ишонч ҳосил қилдим.

**—Келажакдаги режаларингиз.**

—Насиб қилса, магистратурани Хитойда ўқимоқчиман. Ўз соҳамнинг етук мутахассиси бўлиб юртимга хизмат қилишни, устозларим, ота-онам меҳнатларини оқлашни ният қилганман. Ва тенгдошларимга ҳам интилиш, изланиш ва омад ёр бўлишини тилайман.

Илмга чанқоқ, шижоатли Азизахонга келгуси иш ва ўқишларида зафарлар тилаб қоламиз.

**Роҳила ЭРГАШЕВА суҳбатлашди.**

*Тенгдошинг ижодидан*

# ЎЗБЕГИМ ФАРЗАНДИМАН

*Биз ҳамиша юксакмиз.*
*Энг ёрқин келажакмиз.*
*Чунки биз мустақилмиз,*
*Ўзбекнинг иқболимиз.*

*Мустақиллигим ҳали*
*1000 ёшларга тўлади,*
*Ана ўша дамда ҳам,*
*Бугундай тўй бўлади.*

*Халқим, оилам юртим,*
*Ишончин оқлагайман.*
*Ватанимга муносиб*
*Фарзанд бўлиб ўсгайман*

*Юртимнинг тинчлиги деб*
*Доим елиб-учаман.*
*Бунинг учун халқимга*
*Чин дилдан сўз бераман.*

**Лола ОДИЛЖОНОВА, Сергели туманидаги 26-мактабнинг 8-синф ўқувчиси**



# ҒАЙРАТЛИ ЁШЛАР САФИ ОРТМОҚДА

**ПОЙТАХТИМИЗ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ЎРТАСИДА «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ЕТАКЧИЛАРИНИНГ ЎЗАРО СЕМИНАР АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ.**

Анжуманда етакчиларнинг олиб бораётган фаолиятига алоҳида назар ташланди. Анжуман сўнгида ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабалари ўртасида ҳаракатнинг мақсад, ғоялари кенг тарғиб қилинган деб баҳоланди.

Хўш! Ҳаракатнинг йўналиши, мақсадларини аниқ белгилаб, қабул қилган жойларда бугун муҳит қандай?

Ушбу саволимизга факультет етакчиси Нодира Орифхўжаева шундай жавоб берди.

— Ҳаракат ташкил этилгандан бери талабаларнинг вақтини унумли ўтказиш, турли хил танловлар орқали уларнинг истеъдод ва иқтидорларини намойиш эта олиш имкониятларини яратиб бермоқда.

«Камолот» ЁИҲи томонидан ҳар йили анъанавий тарзда 1-курсларга Ўзбек миллий академик драма театрида «Ассалом, улуғ даргоҳ» тадбири ташкил этилади.

«Камолот» ЁИҲ ҳомийлигида факультетимиз талабалари орасида «Журналист нигоҳидаги мавзу», «Камолот юлдузлари» фестивали, «Диний этика ва зукколар», «Иқтидор» танловлари ҳар мавсумда ўтказиб келинади. Ва унда факультетимиз талабалари ўзларининг ижодий намуналари ва кучли ғоялари билан қатнашиб келмоқдалар. Бундан ташқари «Журналистлар гуруҳи» ташкил этилган бўлиб, бўлажак журналистлар ўтказилаётган барча тадбирларни турли газеталар ва «Ҳамроҳ» радиостудиясида бевосита ёритиб борадилар. Факультетимиз миқёсида турли спорт ўйинлари ва «Энг яхши қалам соҳиби» танловлари тез-тез ўтказиб турилади ва бу тадбирлар албатта «Камолот» ҳомийлиги ва ҳамкорлигида бўлиб ўтади.

Танловда 1-ўринни олган ғолиб эса Кореянинг нуфузли университетларидан бирида ўқиб келиш имконини қўлга киритади. «Камолот» ЁИҲ ҳарбий хизматни ўтаб келган талабаларнинг 35 фоиз шартнома пулини тўлашни ҳам ўз зиммасига олган.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки «Камолот» ЁИҲ ёшларимиз орасида ўзининг салмоқли ўрнига эга бўлиб бормоқда ва шунга яраша унинг сафлари шижоатли, завқли, илмда ҳам, спортда ҳам олдинга интилаётган ёшлар билан тобора тўлмоқда.

**Дилшода МУСИДОВА**

# ИНСОН ВА БОРЛИҚНИНГ БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ

**МИЛЛИЙ САНЪАТ МАРКАЗИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ РАССОМИ РЎЗИ ЧОРИЕВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАБ, «ЎЗБЕКИСТОН – ЗАМИН ВА ИНСОНЛАР» ДЕБ НОМЛАНГАН КЎРГАЗМА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Кўргазманинг очилиш маросимида ижодкорлар, рассомнинг шогирдлари, тасвирий санъат ихлосмандлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мазкур кўргазма «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан амалга оширилмоқда. Унда мусаввирнинг ранг-тасвир ва графика йўналишида яратган олтмишга яқин асарлари намойиш этилмоқда. Кўргазмага қўйилган асарлар рассом томонидан турли йилларда ишланган бўлиб, унинг уй-музейидан олинган. Ташкил этилган ушбу кўргазмада бош мавзу «Инсон ва борлиқнинг боқий қадриятлари» деб аталди.

— Мусаввирнинг такрорланмас, сўнмас кучли ижоди ҳар қандай инсонни ўзига жалб қилиш хусусиятига эга, — деди рассом Ф.Аҳмедов. — Рўзи ака қайси жанрда бўлмасин, айнан табиатда такрорланмас рангларни топиб ишлатган. Шуни аниқ айта оламанки, унинг асарлари ёшларни Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялай олади.

Шунингдек, кўргазмада рассом чизган портретларга кенг ўрин берилган. Унда мусаввир инсон феъл-атвори, ички дунёси, орзу-умидларини ранглар жилоси ёрдамида тўла кўрсата олган.

Кўргазма 18 ноябрга қадар давом этади.

**«Туркистон-пресс»**

*Санъат*

# ДАСТЛАБКИ ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯ

**БУНДАН 45 ЙИЛ АВВАЛ ЎЗБЕКИСТОНДА САНЪАТШУНОСЛИК ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ДАСТЛАБКИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯ УЮШТИРИЛГАН ЭДИ. ШУ САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН РЕСПУБЛИКА САНЪАТШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИДА АНЖУМАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Унда италиялик санъатшунослар ҳам иштирок этиб, Ўзбекистонда археологик изланишлар самаралари ҳақида гапирдилар. Бу жараёнда хорижлик мутахассисларнинг ҳам фаоллик кўрсатаётганликлари эътиборга сазовордир.

Ўзбекистон Бадиий академияси билан Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида Тошкентдаги тасвирий санъат асарлари галереясида кўргазма ҳам намойиш қилинди. Италия-ўзбек маданияти уюшмаси марказини бунёд этиш тадбирлари ҳам кўрилди.

# ЧОЛҒУ АСБОБЛАР МАЖМУАСИ

**РЕСПУБЛИКА МУСИҚА МАКТАБ-ИНТЕРНАТИНИНГ ЎҚУВ-МОДДИЙ НЕГИЗИ БОЙИБ БОРМОҚДА. ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИЛИМ ВА МАҲОРАТ ДАРГОҲИГА ТАЛАЙГИНА МУСИҚА ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ ҲАДЯ ЭТИЛДИ.**

Бунинг учун Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги 50 миллион сўмлик маблағ ажратди. Харид қилинган бу совғалар орасида саксафон, кларнет, флейта каби мусиқа чолғу асбоблари ҳам анчагина.

Ушбу саъй-ҳаракат туфайли мактаб-интернатда алоҳида мусиқа ижодиёти лабораторияси юзага келди.

Кейинчалик бу лаборатория негизида мактаб-интернатда мусиқа музейи ҳам очилади.

*Таълим*

# ТЎҚИМАЧИЛИККА ОИД ЯНГИ ДАСТГОҲЛАР

**РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ҚАТОРИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ ҲАМ ЎЗИНИНГ БОЙ МОДДИЙ-ТЕХНИК НЕГИЗИГА ЭГА. ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ ҚАТОР ЯНГИ ТЕХНИК АСБОБ-УСКУНАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ.**

Жанубий Кореядан олиб келинган дастгоҳлар эса трикотаж буюмларини яратишда қўл келади. Мазкур мамлакатнинг Кай-Тек фирмаси мутахассислари пойтахтимизга келиб, бу машиналарни ўрнатиш билан шуғулландилар. Германияда тайёрланган матбаачилик ускуналаридан ҳам ўқув-ишлаб чиқариш жараёнида фойдалана бошланди. Пахта толаси сифатини аниқлаб берувчи аппаратлар ҳам амалий машғулотларда муҳим кўргазмали техника воситасига айланиб қолди.

**Акбар АЛИЕВ**

# ФОТОКЎРГАЗМА: СУРАТЛАР СЎЗЛАГАНДА

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИДА «БУГУНГИ ХИТОЙ» ДЕБ НОМЛАНГАН ФОТОКЎРГАЗМА ОЧИЛДИ.**

Мазкур кўргазма «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Хитой Халқ республикасининг Инсон ҳуқуқларини ўрганиш жамияти ва ХХРнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Дарҳақиқат, Хитой мамлакатимизнинг энг яқин ва ишончли ҳамкорларидандир. Ўзбекистон – Хитой алоқалари бошқа соҳалар сингари санъат ва маданият жабҳасида ҳам изчил мустаҳкамланиб бораётир.

– Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз, – дейди Хитойнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юй Хунцзюнь.

Кўргазмада хитойлик фотоусталар томонидан олинган тўрт юзга яқин фотосурат намойиш этилди. Улар Чин юртининг тарихи, халқининг турмуш тарзи, урф-одатлари, анъана ва қадриятлари, санъати ва маданияти ҳақида ҳикоя қилиб турибди.

Ушбу кўргазмани ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ҳам суратлар орқали ўзбекистонликларни Хитой халқининг бугунги ҳаёти билан яқиндан таништиришдан иборат.

Кўргазмада Канг Тайсеннинг «Тибетча рақс», Жанг Чунхайнинг «Хитойликнинг тўйи», Хью Чангмингнинг «Шанхай тонги», Лью Жангмингнинг «Пекин операси», Лью Фенгнинг «Биз эгизаклармиз» каби суратлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

**«Туркистон-пресс»**

Спорт янгиликлари





Универсал жанг

# ҲАМЮРТЛАРИМИЗ — ҲУРМАТ ШОҲСУПАСИДА

**ШАҲРИМИЗДАГИ УНИВЕРСАЛ СПОРТ САРОЙИДА УЧ КУН ДАВОМИДА УНИВЕРСАЛ ЖАНГ (УНИФАЙТ) БЎЙИЧА VIII ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БАҲСЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Тўққизта вазн тоифасида курраи заминнинг юзга яқин энг кучли унифайт усталари ғалаба учун кураш олиб бордилар.

60 килограммлик энг енгил вазнда мамлакатимиз спортчиси Жаҳонгир Абдувоҳидовга қуръа ташлашда омад кулиб боқмади. Зеро, Жаҳонгир дастлабки баҳсдаёқ россиялик энг кучли спортчи Евгений Лазуковга рўбарў келди ва рақибига 3:0 ҳисобида ютқазиб қўйди. Охир-оқибатда финалда озарбойжонлик Мансур Гусейновдан қўли баланд келган Лазуков жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

65 килограммлик кейинги вазнда финалда яна Озарбойжон ва Россия курашчилари ўзаро куч синашди. Бу гал ҳам россиялик Олег Баранов ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олди.

70 килограммгача яккакураш усталари беллашувида қирғизистонлик ва туркманистонлик рақибларини енгган ҳамюртимиз Музаффар Юсупов ярим финалга йўлланма олди. Бу босқичда Музаффар Ниджат Тагиев (Озарбойжон)га ютқазиб қўйиб, бронза медалига сазовор бўлди. Финалда эса бу гал ҳам омад россиялик Илья Мартиненкога кулиб боқди.

Кейинги 75 килограммгача вазндаги курашлар мамлакатимиз вакиллари учун жуда омадли кечди. Ушбу вазнда Ўзбекистон-1 жамоаси аъзоси Алишер Абдуллаев ҳамда 2-терма жамоамиз вакили Шерали Абдураимовлар майдонга тушди. Рақибларини кетма-кет енгган ҳар иккала спортчимиз ярим финалга йўлланма олди. Ш.Абдураимов Артем Дамковский (Беларус)га ютқазиб, 3- ўрин соҳиби бўлган бўлса, Алишер Абдуллаев финалга чиқди. Ва жуда кескин ва муросасиз баҳсда Дамковскийни 3:2 ҳисобида енгиб олтин нишонни қўлга киритди.

90 ва 95 килограммгача вазн тоифаларида ҳамюртларимиздан Анвар Сирожиддинов ва Мурод Хонтўраевлар бронза ва кумуш медаллари билан тақдирланишди.

Кейинги вазн тоифасида яна бир етакчи спортчимиз Бахтиёр Аҳмедов ўзига билдирилган ишончни тўла оқлашга муваффақ бўлди. У дастлаб россиялик Магомед Мамилов, сўнг эронлик Нижад Ҳамидсафини енгиб финалга йўлланма олди. Бахтиёрнинг Молдова вакили Раду Баранов билан финал баҳси шиддатли ва кескин ўтди. Устунлик гоҳ у, гоҳ бу спортчи томонида бўлди. Ниҳоят беллашув якунида бор куч-маҳоратини кўрсатган Б.Аҳмедов 3:2 ҳисобида ғалабага эришиб, мамлакатимиз жамғармасига иккинчи олтин медални қўшди.

Охирги 2 та вазнда яна россиялик спортчилар Шамил Магомедов ва Александр Пчельниковларга тенг келадиганлар топилмади.

Чемпионат якунларини таҳлил қилар эканмиз, мамлакатимиз спортчиларининг 2 та олтин, 1 та кумуш ҳамда 7 та бронза медалларининг соҳиби бўлганлигини кўрамиз. Бу чемпионатда Россиядан кейинги иккинчи натижадир.

Шунингдек, 5, 7 ва 9 метр масофага пичоқларни санчиш бўйича ҳам VIII жаҳон чемпионати ўтказилди. Бунда 7 ва 9 метрга пичоқни аниқ улоқтириш бўйича россиялик спортчи Валерий Терентьев 1055 ва 320 очко жамғарган ҳолда ғолиблар сафини бошқарди.

Чемпионат доирасида Универсал жанг халқаро ҳаваскорлар федерацияси (ФИАУ)нинг навбатдаги конгресси ҳам бўлиб ўтди. Унда ушбу спорт турини янада ривожлантириш борасидаги бир нечта муҳим масалалар кўриб чиқилди. Жумладан, ФИАУ таркибига Япония, Сингапур, Бруней, Малайзия ва Ҳиндистон мамлакатларини қабул қилиш, рингдаги жангларни 5 раунддан 3 раундга тушириш, болалар мусобақаларини контактсиз тарзга ўтказиш масалалари шулар жумласидандир.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: универсал жанг бўйича VIII жаҳон чемпионатидан лавҳалар.**

**Алексей Попов олган суратлар**

# Аббос АТОЕВ: «МЕНГА ХАЛҚИМИЗНИНГ ИШОНЧИ КУЧ БАҒИШЛАДИ»

*( Давоми. Боши 1-бетда).*

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, болалар спортини ривожлантириш ва фарзандларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шарт-шароит яратиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Оммавий спортни ривожлантириш ва аҳолининг барча қатламларини жисмоний тарбияга жалб қилиш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган дастурлар ўз самарасини бермоқда.

**Мавжуда АКМАЛОВА, жаҳон чемпионининг онаси:**

— Аббоснинг жаҳон чемпиони бўлгани тўғрисидаги хабарни эшитиб, қариндош-уруғларимиз, унинг дўстлари, қўни-қўшниларимиз табриклаш учун уйимизга келишди.

Аббос — оиламизда ёлғиз ўғил — бокс машғулотларига қатнаша бошлаганида аввалига жуда хавотир олдик. Лекин спортнинг бола тарбиясига ижобий таъсир этаётганини кўриб, кўнглимиз жойига тушди. У сермулоҳаза, оғир-босиқ, иродали ва меҳнатсевар йигит бўлиб вояга етди. Ўғлимизнинг жаҳон чемпони бўлгани мамлакатимизда Юртбошимиз раҳбарлигида спортга, ёш авлод тарбиясига берилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик самараси, мустақиллигимиз шарофати деб биламан. Мустақиллик бўлмаганида оддий бир қишлоқ йигити дунёнинг узоқ бир мамлакатига бориб, мусобақаларда қатнашиб, жаҳон чемпиони бўлармиди.

Аббос Атоевнинг жаҳон миқёсидаги бу улкан ғалабаси ўзбекистонлик мухлислар, спорт усталари қалбида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди.

**Руфат РИСҚИЕВ, бокс бўйича жаҳон чемпиони (1974 йил):**

— Аббос Атоев рингда ўтказган жангларни кўриб, унинг келажаги порлоқ спортчи эканлигига амин бўлдим. Албатта, жаҳон чемпионатида ғолиб чиқишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг замирида мураббийлар меҳнати, машаққатли машғулотлар ётибди. Айни пайтда 21 ёшни қаршилаган Аббоснинг боксчи сифатида ҳали очилмаган қирралари кўп ва ундан умидимиз катта. Истеъдодли боксчимизга 2008 йилда ўтажак Олимпиада ўйинларида ҳам омад тилайман.

Жаҳон чемпиони Аббос Атоев 1986 йили Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги Кўлхатиб қишлоғида туғилган. Бухоро давлат университетининг жисмоний маданият факультетининг 3-курсида ўқиш билан бирга, вилоятдаги 2-ихтисослашган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабида боксдан сабоқ беради.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси**

# АНДИЖОНДА ПРОФЕССИОНАЛ БОКС КЕЧАСИ

**АНДИЖОН ШАҲРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ПРОФЕССИОНАЛ БОКС КЕЧАСИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ВА ҚИРҒИЗИСТОНЛИК ЧАРМ ҚЎЛҚОП УСТАЛАРИ НАВБАТДАГИ РЕЙТИНГ ЖАНГЛАРИНИ ЎТКАЗИШДИ.**

Мусобақанинг асосий жангида андижонлик Иқбол Қурбонов Қирғизистон вакили Адис Маркаевга қарши рингга чиқди. Олти раундлик беллашувни кескин ҳужумлар билан бошлаган ҳамюртимиз рақибини муддатидан олдин енгди. Учрашувнинг учинчи раундида ҳамюртимизнинг кетма-кет кучли зарбаларини ўтказиб юборган Адис Маркаев техник нокаутга учради. Иқбол Қурбонов эса профессионал рингдаги бешинчи ғалабасини нишонлади.

Яна бир олти раундлик жангда енгилмас боксчимиз Зоҳид Худойбердиев Бишкекдан келган Дониёр Конушбоев билан куч синашди. Рақибидан ҳар томонлама устунлигини исботлаган ўзбек йигити уни биринчи раунддаёқ нокаутга учратди.

Ўзбекистонлик профессионал боксчилардан Шерзод Олимжонов қайд этаётган натижалар ҳам кўплаб мухлису мутахассислар эътиборини жалб қилмоқда. Кучли зарбага эга бўлган боксчимиз кетма-кет иккинчи жангини муддатидан олдин якунлади. Бу гал андижонлик чарм қўлқоп устасининг залворли зарбасига тошкентлик Акмал Мирзаев дош беролмади.

Хонободлик Мамасоли Кимсанбоев ҳам профессионал боксдаги мағлубиятсиз одимларини давом эттирмоқда. У учинчи жангида пойтахт вакили Сардор Мирзаевни иккинчи раундда рингга қулатди.

Турнирнинг энг кескин ва муросасиз беллашуви икки ҳамюртимиз — Фарҳод Орипов ва Хуршид Мадаминов ўртасида бўлди. Олти раунд давом этган баҳсда Фарҳоднинг қўли баланд келди.

Профессионал рингга илк маротаба қадам қўйган ҳамюртимиз Исроил Қурбонов тўрт раундлик жанг натижасига кўра Мақсуд Акбаров устидан ғалаба қозонди. Яна бир тўрт раундлик рейтинг жангини ўтказган қирғизистонлик Миктибек Омонтой ўғли эса иккинчи раундаёқ ўзбекистонлик Файзулла Аҳмедовнинг устунлигини тан олишга мажбур бўлди.

Ўта оғир вазнли боксчилар баҳсида Андижон бокс мактаби тарбияланувчиси Шерзод Мамажонов қирғизистонлик Элдор Жўраевга қарши рингга чиқиб, дастлабки ғалабасини нишонлади.

**Боҳир БЕК**

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ҲИКМАТЛАР

Биров чекиб неча ранж айлагуси ҳосили ганж,
Яна биров келиб ўлғай эга анга беранж.

* * *

Ато қил ва миннат қилма, бас онинг
фойдаси сенга етишғай.

* * *

Илм аро гар воҳиди давронсан,
Амалинг бўлмас эрса нодонсан.

* * *

Уч нимарса уч нимарсасиз пойдор қолмағусидурур: мол тижоратсиз, илм баҳссиз ва мулк-мамлакат сиёсатсиз.

* * *

Ҳар кишинингким тирикликда нонин емасалар,
ўлганидин сўнгра отин тутмағайлар.

* * *

Ёмонлар ҳолиға раҳм этмак – яхшиларға ситам етмакдур, золимлар гуноҳин афу
этмак – мазлумларға жаврни кўрмакдурур.

* * *

Сўз айтур кишининг сўзин то яна бир киши айб қилмагунча сўзи ислоҳ топмағусидур
ва халқға мақбул бўлмағусидур.

* * *

Сўзинга ғурра бўлма ширин деб,
Анга нодонлар айласа таҳсин.

* * *

Барча кишига ўз айби ҳунар ва камол,
ўз фарзанди соҳибжамол кўрунгусидур.

* * *

Ақлдин холи агар бўлса жаҳон,
ҳеч ким нодон қилмас гумон.

* * *

Нодонға хомушлиғдин яхши нима йўқдур,
агар муни билса эрди, нодон бўлмас эрди.

* * *

Мурувватсиз киши хотундур
ва тамаълик зоҳид қароқчидур.

* * *

Ёлғон сўз айтмоқ қилич зарбиға ўхшар,
агарчи яраси бутса ҳам, нишони қолур.

* * *

Ростға ростлиғ улуғ зийнатдур.

* * *

Эйки, султон олдида сўзинг
топибдур эътибор,
Яхши сўз айтурни пеша қил ўзингга зинҳор.

* * *

Мен онингдек кимса эрмасманки,
ёвдин қочғомен,
Мардман андоққи, кўргунгдур
танимни қон аро.
Ким урушға чиқғуси – кечмак
керакдур жонидин,
Қониға қолғай черикнинг,
гар қочар майдон аро.

* * *

Бўри фарзанди бўри бўлғусидур,
Нечаким одам ичра улғайсун.

* * *

Қилмадинг суратим ҳақир кўруб,
Манда мундоқ улуғ ҳунарни гумон.
Орик от иш кунида буткорур иш,
Бўлмас ул иш семуз ўкуздин аён.

* * *

Яхши қилични кимса темурдин нечук ясар,
Нокас бўлурму тарбияту лутф бирла кас.
Ёмғур агарчи шаҳр ила саҳроға тенг ёғар,
Гулшанда лола, шўрада бутгуси хору хас.

* * *

Ямонға яхшилиғ қилмоқ биайниҳ
Эрур яхшиға қилмоқлиғ ямонлиғ.

* * *

Кимсага гар дўст бўлса меҳрибон,
Душмани кўб бўлса, ондин не зиён.

* * *

Сипоҳ ҳолидин қилғил огоҳлиғ –
Ки, шаҳ лашкар ила қилур шоҳлиғ.

* * *

Подшоҳеки, зулм этар бунёд,
Қилғай ўз мулку давлатин барбод.

* * *

Бир-бирга улус эрур аъзо,
Зоти бирдур бориға, эй доно.
Етса ҳар аъзоға агар озор,
Қолмағой ўзга узвларга қарор.
Ўзгалар дардидин эсанг беғам,
Лойиқ эрмас сени демак одам.

* * *

Эй амир, ўлмағил фақирозор,
Токай ўлғуси гарм бу бозор.
Гар санга жавру зулм эса марғуб,
Ўлганингдур тириклигингдин хўб.

* * *

Йўқтур жаҳон ичра манга асло
бу дамдин яхши дам,
Ким неку баднинг фикридин
кўнглумда йўқ бир зарра ғам.

* * *

Аблаҳеким, ёқғой ул исроф ила кундуз чароғ,
Тездурким, қолмағой оқшом чароғи ичра ёғ.

* * *

Мумкин эрмаски, ташна қолғон эл
Шўр сувнинг лабиға келгайлар.
Бўлса ҳар ерда чашмаи ширин,
Халқ онга ҳужум қилғайлар.

* * *

Сипаҳдин агар зар тутулса дариғ,
Сипаҳ доғи чекмас адув сори тиғ.

**ОГАҲИЙ таржималари**
**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**1-РЕСПУБЛИКА ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ МАЛАКАЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАНЛОВ АСОСИДА ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:**

**Умумтаълим фанлари бўйича:**
*— хорижий тил, жисмоний тарбия,*
***Касбий фанлар бўйича:***
*— тери ва таносил касалликлари, катталарда ҳамширалик парвариши, юқумли касалликлар, психологик парвариш, жарроҳлик, терапия.*

*— Маънавият ва маърифат масалалари бўйича директор ўринбосари ҳамда амалиёт ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турган, 5 йилдан ортиқ педагогик стажига эга бўлган олий маълумотли шахсларни танлов асосида ишга таклиф қилади.*

***ҚУЙИДАГИ ХОДИМЛАРНИ БЎШ ЎРИНЛАРГА ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:***

*— лаборант, ЭҲМ муҳандис-дастурчи, 1-тоифали ЭҲМ оператори, қоровул, фаррош.*

***ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ:***

*1.Фуқаролик паспорти.*
*2.Турар жойидан маълумотнома.*
*3.Меҳнат дафтарчаси.*
*4. Ҳарбий хизматга мажбурлар учун ҳарбий билет ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳнома.*
*5. Олий ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги диплом.*
*6. 3х4 ҳажмдаги фотосурат.*

*МАНЗИЛИМИЗ: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Е» мавзеси.*
*Мўлжал: Метронинг «Ҳамза» бекати. Маълумот учун телефонлар: 277-85-94; 277-22-13*

***Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!***

*Назорат қилувчи органлар фаолиятин мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши нинг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий ко миссияси қошида «Ишонч телефони» фа олият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбе кистон Республикаси Президентининг 200 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тад биркорлик субъектларини текширишн янада қисқартириш ва унинг тизимини та комиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси да»ги Фармони талаблари асосида ко миссия қошида савдо-саноат палатаси в тадбиркорлардан иборат Жамоатчили Кенгаши ташкил этилган.*

*Сизнинг корхонангизда турли назора органлари томонидан ўтказилаётган тек ширишларнинг қонунийлиги ҳақида шуб ҳалансангиз комиссиянинг ишчи органиг қуйидаги телефонлар орқали мурожаа қилишингизни сўраймиз.*

*Ҳудудий комиссиянинг ишчи органи 144-51-63, 140-32-18.*

Тошкент шаҳар, Сергели туманидан Собиров Изатулла Абдуллаевич номига 2003 йил 9 январда берилган рўйхат рақами 216-06 бўлган ЖШ № 002796 рақамли рухсат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**( Газетанинг навбатдаги сони 9 ноябрда чиқади)**



**МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ**

Буюртма Г- 1006

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

**Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2049 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

1 2 3 4 6

Топширилган вақти: 15:20